



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 8 март, № 47 (5721)

Жума

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-маъмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб воёга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она-юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйламанки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!
Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўлаемиз.

Муस्ताқил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама раванқ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамisha миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарам аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталлик, рўзгорни, умуман, оила ҳаётини оқилонга бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Соғлом она — соғлом бола» сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қиладигани мамнуният билан эътироф этаемиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қиладиган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этаемиз.

Юртимизда 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз

ва шу асосда Давлат дастури қабул қилганимиз замирида, аввало, ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад муҳассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тadbиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани, айниқса, эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуналхўжалик тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги тураржойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини энгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзгор юмушларини энгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириладиганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!
Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдиришчиман.

Аёл зотиға, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзининг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узок, ризку насибанингиз зиёда бўлсин!
Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, кут-барак аримасин!
Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни



Гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи

Юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, асраб-авайлаш, уларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини юксалтириш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган эзгу ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизнинг ҳар бир дадил одимида, эришилаётган ютуқларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этаётгани ҳам ана шу эъзоз ва ғамхўрлик самарасидир, албатта. Зеро, улар пухта тadbиркор, малакали шифокор, ташаббускор ўқитувчи, хуллас, ҳар бир соҳанинг фидойи вакиласи сифатида ўз бурчларини сийдақилган бажариб келишмоқда.

Аёлларга бўлган юксак эъзоз ва эътиборни ҳар йили Президентимиз фармонлари билан кўлаб хотин-қизларнинг юксак унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётганида ҳам кўриш мумкин. Бугун юртимиз шон-шўхрати, иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, мустақиллигини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан шарафли номга сазовор бўлган аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Волидаи муҳтарамалар, азиз опа-сингиллар қадрланган юртининг фарзандлари баркамол, истиқболли ёруғдир. 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб номланиши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида ҳам аёлларни кўлаб-қувватлаш, уларнинг оғирини энгил қилишга қаратилган эзгу сазой-ҳаракатлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Бундай эътибор замирида, шубҳасиз, юксак ишонч ва эҳтиром муҳассам.

7 март куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қиладиган аёллар, нуруний онахонлару лобар қизлар, жойлардаги хотин-қизлар ташкилотлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари,

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тadbир қатнашчилар дастлаб Муस्ताқиллик майдонида бўлиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйдилар.

Тантанали йиғилишнинг Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИБОР

Халқаро гроссмейстерга Президент совғаси топширилди

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминовага Президентимиз совғаси топширилди.



Юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган беқиёс эътибор тўғрисида ақл ва тафаккур ўйини сифатида жаҳонда юксак мавқега эга — шахмат ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Шахмат федерациясига қарийб икки минг киши аъзо.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2013 йил 7 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис кун тартибига мамлакатимизда амалга оширилаётган либерал ислохотларни янада чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш билан боғлиқ масалалар киритилди.



Чунончи, депутатлар парламент кўйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Депутатлар шуни таъкидладиларки, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизи-

мини яратишга, давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING РЕГЛАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ЭКОҲАРАКАТДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ

Бахтиёр ЯКУБОВ, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари:
— Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўлаб ишлаши, унинг сиёсий иродасини ифодалаши зарурлиги тўғрисидаги гоёни ҳаётга татбиқ этиш партиянинг давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш соҳа-

сидаги устувор вазифаларидан биридир. Шу муносабат билан партия бунинг учун мамлакатда чинакам кўп партиявийликка ва сиёсий плюрализмга асосланган замонавий вакиллик парламент демократияси тизимини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди.

Бу гоёнинг амалда рўёбга чиқарилиши ва кундалик ҳаётимизда чинакам намён бўлиши давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда

ижтимоий-иқтисодий ҳаётда барча сиёсий кучларнинг, биринчи навбатда, ўз сайловчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шу жумладан, давлат қурилишининг муҳим соҳаси бўлган парламентнинг қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолиятида ҳам ҳимоя қилувчи сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти оширилишини талаб қиладди.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро гроссмейстерга Президент совғаси топширилди

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Мактабга таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлири, ёзи да олиш масканларида ҳам ихтисослаштирилган тўғараклар фаолияти йўлга қўйилган. Уларда маҳоратини оширган ўғил-қизларимиз “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари, шунингдек, “Камолот” шахмат тахтаси, “Тошкент киши”, “Тошкент оупен” турнирлари, ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги республика чемпионатларида таъриба тўплашди. Унга хос бундай ноб тизим халқаро мусобақаларда юртимиз “ақл гимнастикачи”лари эришаётган ютуқларнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилаётди.

Мамлакатимиз миқёсидаги қатор турнирларда голиб ва совриндор бўлган Нафиса Мўминова 2007 йилда жаҳон чемпионатида йўлланма олиб, ўзбекистонлик хотин-қизлар орасида катталар ўртасидаги ана шундай нуфузли мусобақада иштирок этган биринчи спортчи бўлган эди.

Олти йилдан буён мамлакатимиз терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда қатнашиб келётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшга бўлган қизлар ўртасида Осие чемпионати кумуш медалини қўлга киритди. 2010 йилда йигирма ёшга қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўрликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ташкил этилган ёзи Осие чемпионатида жамоадoshiлари билан кумуш медалга сазовор бўлди. 2011 йили I Марказий Осие кубоги ва 2012 йили Тошкентда ўтказилган “Тошкент оупен” халқаро шахмат турнирида голиб чиқди.

Унинг қўлга киритган мана шундай муваффақиятлари Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ томонидан юқори баҳоланиб, яқинда ҳамюртимизга халқаро гроссмейстер унвони берилди. Бу, ўз навбатида, хотин-қизларимизнинг истеъдоди, маҳорати жаҳон миқёсида юксак эътироф этилаётганининг яққол ифодаси сифатида барчамизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонини қўлга киритган Нафиса Мўминова Президентимиз Ислам Каримов совғаси — замонавий компьютер билан тақдирланди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз совғасини Нафиса Мўминовага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси ўринбосари Ж. Қосимов топширди.

Бу каби юксак шарафга муносиб бўлиш ҳар бир спортчининг оرزусидир, — дейди Нафиса Мўминова. — Ана шундай бахтга эришганимдан бенижор хурсандман. Бундай юксак гамхўрликка жавобан жаҳон чемпионатида ҳам голибликка эришиб, Ватанимиз номини янада улуғлашга ўз ҳиссамни қўшаман.

Фазлиддин АБИЛОВ.

АЙЁМ ШУКУҲИ

Гўзал баҳор таровати дилларга хушнудлик, ўзгача кўтаринчилик бахш этаётган шу кунларда юртимиз бўйлаб 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда. Зеро, хонадонларимиз фаршаси, ҳаётимиз чароғбони бўлмиш азиз опа-сингилларимиз ана шундай юксак эҳтиромга, эътибору эъзозга муносибдилар.

Ҳаётимиз чароғбони

Бугун Андижон вилоятида хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг жамиятдаги обрў ва нуфузини юксалтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2012 йилнинг ўзида хотин-қизлар учун 40 минг 245 та иш ўрни яратилди. Уларнинг тадбиркорлик фаолияти, оилавий бизнесини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар салмоғи 1,8 бараварга ўсди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбир барчамизда хуш таассурот қолдирди, — дейди Марҳамат туманидаги “Мингтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайрихон Эгамбердиева. — Айтилган ширин сўз, изҳор этилган эзгу тилаклар кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Умуман, бугун мамлакатимизда биз, аёлларни эъзозлашга қаратилаётган эътибор туфайли тадбиркорлиги, фидойи меҳнати орқали ҳам оиласига, ҳам эл-юртга нафи тегаётган шижоатли аёллар сафи кенгайиб бормоқда.

Бухорода ҳам Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган “Аёл — жамият барқарорлиги, тотувлиги ва ҳамжихатлиги кафолати” мавзюда тадбир бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоятда 80 дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари ахил-иноқ ҳаёт кечираётгани, юрт равнақи ва фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётгани, хотин-қизларга жамиятда муносиб ўрин топишлари учун зарур шарт-шароит яратилгани самарасида барча соҳаларда уларнинг фаоллиги ошиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир доирасида ташкил этилган “Ўзбекистон — ягона аҳил оила”, “Дунё ва аёл” мавзуларидаги фотосуратлар ҳамда расмлар кўргазмаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Самарқанд вилоятида ушбу кутлуғ

байрамга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Барча шаҳару туманларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирлар, байрам кечалари ташкил этилди. Хусусан, байрам арафасида вилоятнинг катта-кичик туманларида истиқомат қилиб, турли соҳаларда фаоллик намунасини кўрсатаётган хотин-қизлардан бир гуруҳи Самарқанд шаҳрига таклиф этилдилар. Улар мазкур маданий тадбир доирасида кўхна кентнинг диқ-



Шоҳрух ШАРАПОВ оlingан сурат.

катта сазовор гўшаларига сарҳат қилишди. Бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар.

Айниқса, 1-сон болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган тадбир ёдда қоларли бўлди. Мазкур даргоҳда таълим олаётган ёшларнинг концерт дастури намойиш этилганида, бу ерга жам бўлган опа-сингиллар юз-кўзидаги қувончу ҳаяжонни илғаш қийин эмасди.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатиде аёллар, оналар бизнинг юртдаги аҳил-қадрланмас керак, — дейди Булунгур тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Мамадиёрова. — Ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оши-

риш борасида кўрилатган чора-тадбирлар бугун ҳар биримизни фаолликка ундамоқда. Энг муҳими, аёлларнинг бахтли ҳаёт кечирishi, турмушдан мамнун яшаши учун барча имконият муҳайё қилинмоқда. Бундан фақат фخرланамиз.

Навобий шаҳридаги “Фарход” маданият саройида 8 март — Халқаро

ликнинг 21 йиллиги арафасида улардан 8 нафари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги ҳам бунинг исботидир. Алишер Навобий номли мусиқали драма театрида ташкил этилган байрам тадбирида жамият гултожи бўлган оналар ва опа-сингилларимиз ўзларига кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда гамхўрликка жавобан яратув-

чилик ишлари, хусусан, соғлом авлод тарбиясида намуна бўлаётганликлари алоҳида таъкидланди. Тадбир давомида меҳнатда ва турмушда кўпчиликка ибрат бўлган аёллардан бир гуруҳига Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Кутлуғ айём тантаналари вилоят санъат усталари ва ижрочи ёшлар томонидан тайёрланган бадиий дастурга уланиб кетди.

Урганч шаҳридаги Огаҳий номидаги мусиқали ва драма театри биносиде Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди. Унга иқтисодий-ижтимоий соҳаларда фидойилик, ибрат намуналарини кўрсатган хотин-қизлар, меҳнат фахрийлари таклиф этилди.

Ватанимиз тараққиётида, халқимиз эришаётган ҳар бир ютуқда жонқуяр аёлларимизнинг муносиб хизматлари борлиги, буларнинг барчаси хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, саломатликлари ҳақида қайғурини, эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган кенг қўламли ишларнинг ижобий натижалари эканлиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан муҳтарам аёллар юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эҳтиром йилдан-йилга эибада бўлаётганини таъкидлашди. Бунинг учун Юртбошимизга чуқур миннатдорликларини изҳор этишди.

Байрам тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда ҳам кенг нишонланмоқда.

“Халқ сўзи” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Мустақил дёйримизда биз, ёшларнинг мустаҳкам билим олишимиз учун беқис шарт-шароит яратилган. Ёшлар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида қўллаб-қувватловчи лойиҳалар амалга ошириляётир.

СУРУР

Айни пайтда Тошкент архитектура-қуриш институтининг “Дизайн” таълим йўналишида сабоқ олаётган. Утган давр мобайнида республика миқёсидаги фан олим-пиадалари ва турли кўрик-танловларда қатнашиб келмоқдаман. Жумланга, утган йили фан олим-пиадасининг республика босқичида дизайн фанидан биринчи ўринни эгалладим. Худди шунингдек, шахмат бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаяпман. Изланишларим, интилишларим бесапар кетмади. 2012/2013 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси бўйича ўтказилган танловда голиблар сафидан жой олдим.

Эътибор инсонни рағбатлантириб, унинг истеъдодида қанот бағишлайди. Шу маънода, гурур билан айтишимиз мумкинки, Президентимизнинг беқис гамхўрлиги огушида камол топмоқдамы. Буларнинг барчаси юртимизда навқирон авлодга, хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрлик самарасидир.

Тахмина ТУРДАЛИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиб.

Реклама ва эълонлар

Давлат корхоналари ва хусусий корхона раҳбарлари ҳамда бошқа шаклдаги мулк эгалари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Бюортмачи — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

Тендер комиссиясининг ишчи органи — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ташкил этилган тендер комиссияси ишчи органи.

Тендер мавзуси — “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, 2013 йилда 55 турдаги 12 448 дона, умумий суммаси 761 070 603 (етти юз олтиш бир миллион етмиш минг олти юз уч) сўмлик протез-ортопедия маҳсулотларини бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилиш.

Тендер савдосига қўйилаётган ҳар бир маҳсулотнинг номи ва сотиб олинадиган энг юқори нархлари тендерга таклифнома ҳамда тендер ҳужжатларида келтирилган.

Етказиб бериш шартлари ва муддатлари — протез-ортопедия маҳсулотларининг ҳар бири ногиронлардан махсус ўлчов олган ҳолда, индивидуал тарзда тайёрланиб, 2013 йилнинг II, III, IV чоракларида етказиб берилиши лозим.

Тендерда иштирок этувчи талабгорларнинг малакавий танлови 2013 йил 9 апрель кунини соат 10.00 да ўтказилади.

Тендерга оид ҳужжатларни (шанба ва якшанбадан

ташқари) соат 9.00 дан 18.00 га қадар куйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Авлоний кўчаси, 20-«А» уй, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

Тендерга оид ҳужжатларни олиш учун куйида кўрсатилган ҳисоб рақамига:

Молия вазирлиги Фазначилигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақамига ХККМ, Марказий банк бош бошқармаси, Тошкент шаҳри, МҲФ: 00014, СТИР: 201122919, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг шахсий ҳисоб рақами: 400110860262877950100141001, СТИР: 201190645, ОКОНХ: 97300 га 300 000 (уч юз минг) сўм ўтказишлари керак.

Тендерда қатнашиш учун закат суммаси 7 611 000 (етти миллион олти юз ўн бир минг) сўм.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги санаси — 2013 йил 8 апрель кунини соат 18.00 га қадар.

Тендерда хоржий ва маҳаллий юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирок этиши мумкин.

Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган нарх имтиёзлари қўлланилади.

Маълумот учун тел./факс: (8-371) 239-88-46, 239-88-33.

«КО'СИМАС МУЛК САВДО КИЗМАТИ» МЧК

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига ТИФ «Ўзмиллибанк» томонидан ТИФ «Ўзмиллибанк» Кенгашининг 2013 йил 19 февралдаги 12-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Олтинтопган (собик Ж. Останов) кўчаси, 45-уйда жойлашган, собик «Ўзсмантана-Сантехника» қўшма корхонасига тегишли, умумий майdonи 12158 кв.м.дан иборат бўлган 11 бино, 3 та иншоот, ишлаб чиқариш ускуналари ва бошқа мол-мулклар жамланмаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 5 507 846 351 сўм (ёки 2 987 711,61 АҚШ доллари).

Аукцион савдоси 2013 йил 12 апрель кунини соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2013 йил 10 апрель кунини соат 18.00.

Жамланма 2013 йил 12 апрель кунини сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 19, 26 апрель ва 3, 10 май кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2013 йил 19 апрелдаги такрорий савдо учун — 2013 йил 17 апрель кунини соат 18.00, 26 апрелдаги савдо учун — 24 апрель кунини соат 18.00, 3 майдаги савдо учун — 1 май кунини соат 18.00, 10 майдаги савдо учун — 8 май кунини соат 18.00.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамий кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-23. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»
унитар корхонаси жамоаси

азиз ва мўътабар аёлларимизни Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март билан самимий муборакбод этади!

Хонадонингизга осойишталик, дастурхонингизга тўкин-сочинлик, шахсий ҳаётингиз ҳамда касб-корингизда омад тилаймиз!

Қалбингизни хуш кайфият ҳеч қачон тарк этмасин!

Ишонч ва эҳтиром

Биз, аёллар қадримиз биланд юртда яшаётганимиздан бахтиёримиз. Жамиятда хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга қаратилган қанчадан-қанча эзгу саъй-ҳаракатларнинг шохидимиз. Юртбошимиз бизни ҳар бир жабҳада қўллаб-қувватлаб, барча имкониятларни яратиб бераёттилар.

ФАХР

Биргина тадбиркор хотин-қизларга берилаётган имтиёзлар, гамхўрлик ва эътибор кўлами кишини хайратга солади. Икки йил муқаддам ихтиёримдаги сармомияни кичик бизнес ривож учун сафарбар этдим. Навоий шаҳрида қарийб бир гектар майдонда иссиқхона ташкил этиб, у ерда помидор, бодринг каби ёз неъматларини қиш ҳамда баҳор ойларида эл дастурхонига тортиқ қиляямиз. Бунинг учун 350 миллион сўм сарфланган бўлса, шундан 200 миллион сўми банк кредити эвазига амалга оширилди. Пировардида ўндан ортиқ маҳаллий ёшлар доимий иш билан банд бўлди.

Бугунги кунда тадбиркор бўлиш янги гоғлар билан яшашни, янгилик яратишни талаб этади. Биз ҳам корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида замона-

вий савдо мажмуасини қуришни бошладик. Қолаверса, маҳалламиздаги чевар аёллар билан биргаликда турли либосларни буюртма асосида тикишни йўлга қўйиш ниятидамиз. Хорижнинг компьютерлаштирилган тикув дастгоҳларини келтириб, кичик корхона ташкил этиш лойиҳасини рўёбга чиқараёямиз. Бу агар ушбу режа амалга ошса, яна ўнлаб хотин-қиз ишли бўлади, дегандир.

Бугуннинг аёли замон билан ҳамқадамдир. Тадбиркор, фермер, хунарманд хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса уларга билдирилаётган ишонч, кўрсатилаётган эҳтиром туфайлидир.

Гуландом **ЖУМАЕВА**,
Навоий шаҳридаги
«Навоий Қизилқум
барака» масъулияти
чекланган жамияти
раҳбари.

ШҲРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

жамоаси

мамлакатимиз аёлларини
Ўзбекистон хотин-қизлар байрами билан
самимий тадбирқилайди!

Азиз онажонлар, опа-сингиллар, сизлар борсизки,
хонадонларимиз файзли, ораста.

Азиз аёлларимиз туфайли оилаларимиз
тинч, кўнглиларимиз хотиржам,
ишимизда унум бор,
фарзандларимиз соғ-омон
ҳамда жонажон юртимиз
фаровон.

Сизларга бахт-саодат,
сиҳат-саломатлик,
шахсий ҳаётингизда,
касб-корингизда омад,
бахорий кайфиятлар тилаймиз!

Қалбларингиз меҳр-муҳаббатга, шодликка тўлиб,
омаду гўзаллик доимо ҳамроҳингиз бўлсин!



«МИКРОКРЕДИТБАНК»

очик акциядорлик тижорат банки
жамоаси

теҳрибон оналаримиз,
азиз опа-сингилларимиз
ҳамда эл фаровонлигини
йўлида хизмат қилаётган тадбиркор
хотин-қизларни гўзаллик ва нафосат
байрами —

8 март —

Халқаро хотин-қизлар кўни
билан муборакбод этади!

«Микрокредитбанк» ОАТБ
Обод турмуш йили муносабати
билан юртдошларимизга юқори фоизли



«Фаровон турмуш»



«Обод юрт»



«Гўзал ҳаёт»

омонат турларини
таклиф қилади.

«Микрокредитбанк» сармомиялари
— тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Samarqand
traditions & innovations BANK

Айём муборак, азиз оналар
ва опа-сингиллар!

«Samarqand» ОАТБ банки
сизларни
8 март —
Халқаро хотин-қизлар байрами
билан чин юракдан қўтлайди!

Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик,
узок умр, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, эзгу
ишларингизда қилган зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.

«Samarqand» ОАТБ жамоаси.

(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 12 март — сеианба кўни чиқади).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 446 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ўзгочлар 232-11-15.



Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда
оператор Ж. Тогаев
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5